



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 7 август, № 160 (9055)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

Муносабат

ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК, МИНТАҚАВИЙ БИРДАМЛИК АЛОҚАЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Азалдан халқимизда кўни-қўшнилар орасида меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, яхши-ёмон кунларда бирга бўлиш муқаддас қадриятлардан бири сифатида улуғланади. Шу жиҳатдан мамлакатимизнинг ён қўшничилик муносабатлари бирдамлик ва минтақавий ўзига хослик асосида мустақамланаётгани таҳсинга сазовор. Бу эса Марказий Осиёнинг иқтисодий фаоллик марказига айланаётганидан дарак беради. Ва асосийси, Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари дўстлик, яхши қўшничилик ҳамда ўзаро ҳурмат руҳида жадал ривожланаётгани бевосита жаҳон ҳамжамиятида ишончли ҳамкор сифатидаги кўп қиррали алоқаларнинг янада ривожланишига йўл очади.

Шу жиҳатдан давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Туркманистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг таклифига биноан 4-5 август кунлари амалий ташриф билан Туркманистон Республикасида бўлиши кўп қиррали муносабатлар ва стратегик шериклик алоқаларининг янада мустақамланишида муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз туркман халқининг миллий етакчиси, Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан суҳбати чоғида Туркманистонда ўтказилаётган БМТнинг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференцияси минтақамиз учун, унинг тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари 5 август куни Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланган махсус тадбирда иштирок этди.

Кун тартибига мувофиқ Тошкент шаҳрида бўлажак Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувига тайёргарликнинг асосий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конфе-

ренцияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга Туркманистоннинг “Ҳамкорлиқни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” орденининг тантанали топширилиши, шубҳасиз, минтақа ҳудудида аниқ позицияга эга бўлган мақсад билан олға бораётган мамлакат йўлбошчисига билдирилган юксак ишончнинг намунаси бўлди.

Президентимиз ўз миннатдорлигини билдираркан, “ушбу мукофотни Ўзбекистон ва унинг кўп миллатли халқига алоҳида эътибор ва ҳурмат, Марказий Осиё минтақасида дўстлик, яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва шериклик муносабатларини мустақамлаш борасидаги умумий саъй-ҳаракатларимизнинг эътирофи сифатида қабул қиламан”, дея таъкидлади.

Мазкур эътироф бой тарихий тажриба, қардошлик ва ўзаро ҳурмат аъналарига асосланган Ўзбекистон — Туркманистон стратегик шериклик муносабатларида юксак даражага эришилганининг яна бир амалий тасдиғидир.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркманбоши шаҳридаги “Аваза” миллий туризм ҳудудида ўтган БМТнинг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференциясида иштирок этди.



МАНАСЛИКЛАР ҲАЁТИНИ ЎЗГАРТИРГАН ҚИРҚ БЕШ КУН

Қирқ беш кун... Бу жумла айtilганда миллий адабиётимизнинг таниқли намояндаси, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг шу номдаги асари ёдга тушади.

Маълумки, Катта Фарғона канали халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли қирқ беш кунда қуриб битказилган ва бу шонли воқелик халқ қаҳрамонлигининг ёрқин намунаси сифатида мамлакатимиз тарихи солномасига зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйилган. Бундан қарийб саксон йил олдин умумхалқ ҳашари йўли билан қурилган бу улкан обихаёт манбаи она замин бағрини гулу чечакларга, дов-дарахтларга, ноз-неъматларга буркаганча ҳамон ҳаёт кўшигини айтиб, шарқираб ётибди.



Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

Орадан саксон йил ўтиб яна “Қирқ беш кун”нинг янги нафаси, янроқ саси халқимизнинг қалбини жунбушга келтирди. “Обод қишлоқ” дастурининг мамлакатимизда энг биринчи бўлиб Мирзачўлнинг бир бўлаги бўлмиш Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги Манас

қишлоғида ҳаётга татбиқ этилгани ва бу илк тажрибанинг ҳам қирқ беш кунда амалга ошишида улуг ҳикмат бордек...

Қирқ беш кун ичида энг хароб қишлоқ энг обод қишлоққа айланиб қолса денг... Минг авайланса-да, пойабзали лойга бе-

ланиб сафарга кетган манаслик, қирқ беш кун ўтиб қишлоққа қайтганда асфальт ётқизилган кенг ва равон кўчалар бўйлаб кира келса... Борлиқ эндигина уйғониб, йўл четиغا экилган анвойи гуллар ҳамалнинг илк кунларидаёқ сарафроз айтиб солланиб турса денг!..



АВАЗАДАГИ БМТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАНФААТЛИ МУЛОҚОТЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

Ўзбекистон делегацияси Аваза шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференцияси доирасидаги тадбирларда иштирок этди.

Учрашув

Ўзбекистон делегацияси тадбирларда қатнашиш билан бирга халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда парламентлар раҳбарлари билан манфаатли учрашувлар ҳам ўтказди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоевнинг шундай мулоқотларидан бири БМТ Бош котибининг олий вакили Фатима Рабабхоним билан бўлиб ўтди.

Ф. Рабабхоним Тошкент шаҳрида ўтказилган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-ассамблеясини юксак баҳолаб, бугунги Сенат фаолияти дунё мамлакатларининг кўплаб парламентлари учун намуна эканини эътироф этди.

Кейинги йилларда Марказий Осиё давлатларининг ўзаро дўстона муносабатлари ҳамда яқин қўшничилик алоқалари давлатлар ва минтақа ривожини, халқлар фаровонлигини учун муҳим аҳамият касб этаётганига алоҳида ургу берилди.

Мулоқот чоғида минтақамизда ташқи савдо, транспорт ва коммуникация соҳаларидаги имкониятлар ҳамда халқаро даражада ҳамкорлиқни кучайтириш борасида истиқболли режалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, Барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган вазифалар ҳамда БМТнинг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференцияси доирасида қабул қилинган ҳужжатларнинг самарали

ижросини таъминлаш масалалари кўриб чиқилди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Аваза шаҳрида Халқаро миграция ташкилотининг БМТдаги миссияси раҳбари Пьер Лильерт билан учрашди.

Мулоқот чоғида П. Лильерт Ўзбекистоннинг глобал, хавфсиз, тартибли ва доимий миграция ҳақидаги халқаро келишувларни биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлаган давлатлардан бири эканини таъкидлади. Шунингдек, 30 июль — Бутунжаҳон одам савдосига қарши курашиш куни муносабати билан Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия томонидан ташкил этилган “Одам савдосига қарши курашишда глобал таҳдидлар: жамиятнинг роли ва халқаро ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференция ишини юқори баҳолади.



ИСЛОҲОТЛАР РИВОЖИ КАФОЛАТИ ВА ТАШАББУСКОРЛИК АСОСИ

Иқтисодиётни диверсификация қилиш, рақобатбардош тармоқлар яратиш “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида асосий вазифа сифатида белгиланган. Мамлакатимизда охириги йилларда амалга оширилаётган ишларда инвестиция муҳитини яхшилаш, коррупцияга қарши курашиш, кадастр, божхона ва солиқ тизимларини рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани аҳамиятлидир. Албатта, бунда Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитасининг муҳим ўрни бор.

Таҳлил

Қайд этиш керакки, жорий йилнинг ўтган ярим йилликдаги фаолиятимиз самарали кечди. Иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустақамлаш, соҳадаги мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш масалалари диққат марказимизда бўлди.

Хисобот даврида қўмита қўни ижодқорлиги йўналишида 18 та қўни лойиҳаси учун масъул бўлди. Банкларда тўловга қобилиятсизлик ҳолати вужудга келганда мазкур банкларнинг иқтисодиёт учун муҳим вазифалари ва хизматлари узлуксизлигини таъминлашга, омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилишга, факторинг муносабатларини ривожлантиришга, шунингдек, фибригарлик йўли билан фуқароларнинг ҳабарисиз кредит маблағларини уларнинг номига расмийлаштириш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган ҳужжатлар кўпчилики бирдек қувонтирди.

Бир қатор қўни лойиҳалари эса солиқ соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари айнан бир ҳуқуқбазарлик учун бир неча мартаба жавобгарликка тортрилишига чек қўйишга, солиқ тўловчиларга қўшимча қулайлиқлар яратишга ҳамда Жаҳон савдо ташкилотининг қоидаларига мувофиқлаштириш орқали ташқи савдонини янада либераллаштиришга хизмат қилиши билан аҳамиятли бўлди.



АЭРОКОСМИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

Мамлакатимизнинг иқтисодиёт тармоқларида аэрокосмик технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга кенгаймоқда. Жумладан, икки йил мобайнида:

■ соҳада фойдаланилаётган **4 миллион гектардан** зиёд ерлар космик мониторинг қилинди, **60 та** йирик сув омбори илк бор батиметрик таҳлилдан ўтказилди.

Шунингдек, эндиликда:

■ қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасига давлат томонидан ажратиладиган имтиёзли кредитларнинг мақсадли

ишлатилишини **масофавий мониторинг** қиладиган тизим йўлга қўйилади;

■ илмий институтларни жалб этган ҳолда суғориш меъёри ва **гидромодуль районлаштириш** тўлиқ янгиланади;

■ барча сув омборларига **“ақли” ҳисоблагичлар** ўрнатилиб, сув миқдорини онлайн кузатиш чоралари кўрилади;

■ учувчисиз аппаратлардан фойдаланиш ҳам режалаштирилган бўлиб, кузда **100 дан** зиёд **замонавий дронлар** олиб келиниши натижасида фермерларга дронлар ёрдамида хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилади.

Шу билан бирга, ер, кредит, субсидия ва агрохизматлар бўйича **30 дан** ортиқ платформалар бирлаштирилиб, **“Рақамли қишлоқ ҳўжалиги”** ягона интеграцион платформаси ишга туширилади.

Факт ва рақамлар



Ўзбекистон ҳамда Индонезия ўртасидаги авиақатновлар 2030 йилгача 4 баробарга оширилади.

СИЁСИЙ ИРОДАНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференцияси доирасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга Туркменистоннинг “Ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” орденини тантанали топишириш маросими бўлиб ўтди.

Туркменистон томонидан давлатимиз раҳбарига бундай юксак орденининг топирилиши — бу нафақат Шавкат Мирзиёев шахсига кўрсатилаётган юксак ҳурмат, балки бутун Ўзбекистон халқининг тинчликпарвар сиёсатида, минтақавий барқарорлик ва тараққиётга қўшган улкан ҳиссасига берилган эътирофдир.

Бу каби юксак мукофотлар Президентимизга биринчи марта топирилаётгани йўқ, Сўнгги йилларда Туркия, Қозоғистон, Озарбайжон, Россия, Саудия Арабистони ва бошқа қатор мамлакатлар томонидан ҳам давлатимиз раҳбари халқаро мукофотлар ва орденлар билан тақдирланган. Бу эса Шавкат Мирзиёевнинг халқаро майдондаги нуфузи, дунёдаги тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик ва адолатни таъминлашга қаратилган ташаббуслари халқаро миқёсда тан олинаётганини



нинг ақол намоёнидир. Президентимиз ҳар доим ўз чиқишларида ўзаро ишонч, очик мулоқот ва манфаатлар уйғунлиги, бугунги дунёда барқарор тараққиётнинг қалити эканини таъкидлаб келади. Туркменистон билан муносабатларимиз айнан мана шу тамойилларга асосланган. Охириги йилларда амалга оширилаётган йирик иқтисодий ва инфратузилмавий лойиҳалар, транспорт ва логистика соҳаларидаги ҳамкорлик, шунингдек, халқларимиз ўртасидаги қардошлиқ ришталари бунга яққол тасдиқлаб турибди.

Ашхободдаги БМТ конференцияси

доирасида мазкур мукофотни топиширишга бағишланган маросим Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги стратегик шерикликнинг юксак нуқтасига айланди. Бу нафақат икки мамлакат, балки бутун Марказий Осиё учун муҳим сигналдир: минтақа давлатлари ўз салоҳиятини бирлаштириб, глобал ташаббусларни илгари суришга қодир эканини дунёга намоён қилмоқда.

Шу билан бирга, Президентимиз томонидан туркман халқига йўлланган самимий табриклар ва Ашхободда бўлиб ўтадиган халқаро тинчлик ва ишонч йили доирасидаги глобал саммитга билдирилган тилаклар ҳам ўзаро сиёсий ишонч даражасининг юқорилигини кўрсатади.

Сенат аъзоси сифатида бугунги воқеликни икки халқ манфаатларини ўйлаган, минтақавий мустақамлик ва фаровонлиқни мақсад қилган сиёсий ироданинг муваффақиятли ифодаси, деб баҳолайман.

Кобулжон ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари.

ЧИНАКАМ ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

Ўзбекистон чегарадош мамлакатлар билан яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли муносабатларни мустақамлаш борасида фаол ташқи сиёсат олиб бормоқда. Марказий Осиё давлатлари билан дўстона, яқин қўшничилик, ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш ва мустақамлаш асосий устувор ташқи сиёсий йўналиш сифатида белгиланган.



Ўзбекистон ва Туркменистоннинг миллий манфаатларга асосланиб юритаётган ташқи сиёсатида бир қанча муштарак жиҳатлар мавжуд. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик икки мамлакатнинг халқаро майдондаги конструктив ва самарали муносабатларига мисол бўла олади.

Айнан шундай мазмундаги Ўзбекистон ва Туркменистон алоқаларида кузатилаётган конструктив мулоқот ва ўзаро англашув муҳити раванқ топишида БМТ доирасида амалга ошириб келинаётган лойиҳалар алоҳида эътиборга молик. Чунки икки давлат муносабатлари Марказий Осиё минтақаси савдо-сотиқ тизимининг узвий бўғини, тазбир жоиз бўлса, ҳал қилувчи омилларидан биридир. Бинобарин, ўзбек ва туркман халқлари азалдан дўст, қардош, биродар, тарихи, маданияти, орзу-умидлари бир-бирига уйғун халқлар саналади. Ўзаро тарихий-маданий алоқалар ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги кўп асрлик биродарликнинг мустақам тамал тоши бўлиб келмоқда.

Давлат раҳбарлари ўртасида ўрнатилган илиқ ва дўстона жараёнлар, Президентларнинг сиёсий ирода-

сидаги глобал битимни ишлаб чиқишни тақлиф этгани муҳим аҳамиятга эга. Чунки бундай механизм портлар ва коммуникациялардан адолатли фойдаланиш шартларини таъминлайди. Юқ ташқида хавф-хатарларни пайсантириб, глобал логистикада тенгсизликни камайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистонда агротармоқни ривожлантириш учун Инновацион хабини яратиш бўйича тақлиф ҳам эътиборга молик. Шубҳасиз, мазкур хаб мослашувчан агротехнологияларни тақтиб этиш, сувни тежаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга оид инновацион лойиҳаларни илгари суриш, ўзаро билим ва тажриба алмашишга имкон беради.

“Аваза” миллий сайёҳлик зонасида бўлиб ўтган конференция кун тартибидан транспорт тармоғида ўзаро боғлиқликни мустақамлаш ва савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш, иқтисодий трансформация, иқлим ўзгариши ва атроф-муҳит учун хатарларга бардошлиқни ошириш, Барқарор ривожланиш максадларини рўёбга чиқаришда халқаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари ўрин олгани билан аҳамиятланиб. Хусусан, Аваза сиёсий декларацияси ва ҳаракатлар дастурининг қабул қилингани минтақанинг транспорт бўйича боғлиқлигини мустақамлашга ҳисса қўшади.

Ўзбекистон ва Туркменистоннинг денгизда савдо олиб бориш борасидаги ҳамкорлигининг мустақамланиши, шунингдек, трансчегаравий сув ресурсларини оқилона тақсимлаш ва фойдаланиш соҳасидаги фаолияти ушбу давлатлар

ўртасида барқарор конструктив-позитив шериклик қарор топишида муҳим роль ўйнайди. Асосийси, Ўзбекистон ва Туркменистоннинг очик, дўстона ва прагматик сиёсати минтақа халқлари иқтисодий ҳаёти барқарорлигини таъминлаш ҳамда минтақа савдо-сотиғининг ривожланишига хизмат қилади.

БМТнинг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференцияси доирасида Президентимизга Туркменистоннинг “Ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” орденини тантанали топирилиши мамлакатимизга юксак эътибор ва эътирофнинг ёрқин ифодасидир. Бундай юксак мукофот икки халқнинг кўп асрлик чинакам дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини мустақамлаш бўйича биргаликдаги сый-ҳаракатларига берилган баҳо ҳамдир.

Бой тарихий тажриба, қардошлиқ ва ўзаро ҳурмат аъбаналарига асосланган Ўзбекистон — Туркменистон стратегик шериклик муносабатларида юксак даражага эришилди. Кейинги йилларда муҳим иқтисодий ва гуманитар лойиҳалар амалга оширилди, ўзаро савдо ҳажми ва кооперация қўлами кескин ортди.

Ушбу тарихий ташриф икки мамлакат муносабатларини янги босқичга олиб чиқиб, ҳамкорликни янада кенгайтириш учун замин яратиш билан бирга, азалий қардош ўзбек ва туркман халқларининг дўстона алоқаларини мустақамлашга хизмат қилади.

Ушбу тарихий ташриф икки мамлакат муносабатларини янги босқичга олиб чиқиб, ҳамкорликни янада кенгайтириш учун замин яратиш билан бирга, азалий қардош ўзбек ва туркман халқларининг дўстона алоқаларини мустақамлашга хизмат қилади.

Гулдана АВЕЗДУРДИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

УМУМИЙ МАҚСАД ВА ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Давлатимиз раҳбари Туркменистоннинг Аваза шахрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференциясидаги нутқиди минтақада тинчликни мустақамлаш ва барқарор ривожланиш истиқболларига тўхталиб ўтди.

Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича конференция минтақани иқтисодий ривожлантиришда ҳам муҳим халқаро тадбир ҳисобланади. Шу жиҳатдан, Президентимизнинг анжуманда сўзга чиққани, қатор ташаббусларни илгари сургани аҳамиятли бўлди.

“Бугун бизни бирлаштирган кун тартиби фундаментал масала — адолат масаласига дахлдордир. Бу — денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган давлатларга жаҳон иқтисодиётида тенг шaroитларда иштирок этиш имкониятини таъминлашдир... Бунинг учун БМТ шафелигида Транзит қафолатлари тўғрисидаги глобал битим ишлаб чиқишни тақлиф этамиз”, деди давлатимиз раҳбари ўз нутқиди.

Шунингдек, Президентимиз Логистика интеграциясига қўмаклашиш жамғармасини таъсис этиш, донор мамлакатлар, халқаро ривожланиш институтлари ва глобал дастурлар ресурсини кенг жалб қилиш, денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган мамлакатларнинг Заифлик индексини яратиш, бунда давлатларнинг чекланган имкониятларини ҳолис кўриб чиқиш, рақобатбардошлиқ ва ишбилармонлик муҳитини адолатли баҳолаш тақлифларини илгари сурди.

Туркменистон етакчиси билан мулоқотда ҳам Президентимиз халқларимизга муносиб турмуш шaroитлари яратиш, ижтимоий соҳа, хусусан фан, таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳамкорликни кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон — Туркменистон муносабатлари чўқур тарихий илдизга эга. Бу икки қардош халқ асрлар давомида ягона давлатчилик аъбаналари остида яшаб келган, умумий мақсад сари бирга интилган. Ушбу ҳамкорлик сўнгги йилларда янги босқичга кўтарилди, таъбир жоиз бўлса, стратегик шериклик даражасига етди.

Президентимизнинг Туркменистонга бу галги ташрифида мамлакатимизга янада юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилгани сезилди. Айниқса, конференция аввалида ўтказилган маросимда Президентимиз Туркменистон Республикасининг “Ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” олий ордени билан мукофотланган барчамизга ифтихор бағишлади. Бу бой тарихий тажриба, қардошлиқ ва ўзаро ҳурматга асосланган Ўзбекистон — Туркменистон стратегик шериклик муносабатларида янги босқич бошланганидан далолат беради.

Зеро, ушбу нуфузли мукофот хорижий мамлакатларнинг таниқли давлат ва жамоат арбобларига халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик, ҳамкорлик ҳамда ўзаро тушунишни мустақамлашдаги алоҳида хизматлари учун берилди.

Ушбу халқаро конференция Марказий Осиё давлатлари учун минтақавий ва халқаро муносабатларда муаммоларни бамаслаҳат ҳал этиш юзасидан муҳим қадам бўлди.

Робохон МАҲМУДОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси раҳбари.



ЭНГ АВВАЛО — ИҚТИСОДИЁТ ВА ИНВЕСТИЦИЯ

Ўзбекистоннинг «яшил» келажаги фаровонлик ва иш ўринларидан бошланади

Ҳар бир мамлакатнинг ўз ривожланиш йўли бор. Баъзи давлатлар саноат босқичидан ўтиб, иқтисодиётда етарли даражада иш ўринлари яратган, инфратузилмани шакллантирган ва энди “яшил” тараққиёт йўлига ўтиб, барча заҳира ҳамда сый-ҳаракатларини чиқиндиларни камайтириш ва углерод нейтраллигига эришишга қаратишни мумкин. Бошқалар эса, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам келажақда экология билан боғлиқ масалаларга тизимли ва изчил кирилиш имкониятига эга бўлиш учун жадал тараққиёт йўлини босиб ўтиши керак бўлади. Бу табиат ҳамда маблағ ўртасидаги танлов эмас, балки мантиқ ва изчиллик масаласидир.

Фикр

Айни пайтда жадал ривожланиш босқичида бўлган мамлакатимизда устуворлик иқтисодиётга берилиши табиий. Инвестицияларни жалб этмай, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантирмай, иш ўринлари яратмай туриб, экологик муаммоларни ҳал этиш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Чунки дунё тажрибасига кўра, экологик масалаларни самарали ҳал қилиш учун аввал бюджетда барқарор ортиқча маблағ, бизнесда эса модернизация ва янги технологияларга ўтиш учун рағбат бўлиши керак.

Бугунги кунда жаҳонда халқаро инвестицияларнинг умумий даражаси пасайиб бормоқда. Бу барча давлатлар учун ташвишли сигнал. Бизнинг ҳам хотиржам бўлишга ҳақимиз йўқ, Хорижий корпорациялар айнан бизга инвестиция қиритиш учун навбатда турибди, деб ўзимизни алдай оламимиз.

Демак, ҳар бир имкониятдан фойдаланишимиз лозим. Мамлакат инфратузилмаси ва экспорт салоҳиятини кўтарга оладиган, иш ўринлари ҳамда солиқ тушумларини кўпайтирадиган ҳар қандай инвестициявий лойиҳани миллий манфаатларимиз нуктаи назаридан кўриб чиқишимиз, уни бамайлихотир, шошилмасдан ва ҳиссиётларга берилмасдан, мавжуд далиллар асосида муҳокама қилишимиз керак бўлади.

Экология — жуда муҳим, у сиз ва бизнинг саломатлигимиз, келажак авлодларнинг фаровонлиги. Лекин чиқиндиларни қайта ишлаш тизимини йўлга қўйган, электромобиллардан оммавий фойдаланаётган ва “яшил” энергетикага миллиардлаб долларлик дотациялар ажратаётган Германия, Франция, АҚШ каби ривожланган давлатлар “углерод изи”ни камайтириш масаласини муҳокама қилаётган бир пайтда биз бандликни таъминлаш, фаровонликка эришиш, миграциянинг олдини олиш, ёшларни мамлакатда олиб қолиш каби ҳаётий вазифаларга эътиборни қаратишга мажбуримиз.

бу фақат гўзал манзара эмас. У, шунингдек, йўллар, меҳмонхоналар, алоқа ва транспорт, хизмат кўрсатиш соҳаларини ўз ичига олади. Агар замонавий инфраструктура яратилмаса, хатто Ис-сикқул ва Қайроққум сингари Марказий Осиё жавоҳирлари фонида ҳам бизнинг Қорвоғмиз жозибадор бўлиб кўринмаслиги мумкин. Сайёҳлар жуда талабчан бўлишади. Улар нафақат табиати танлашади, балки қўлайликларни ҳам. Қўлайлик эса маблағ талаб қилади.

Шу жиҳатдан, ҳозир “Sea Breeze Uzbekistan” лойиҳасига ҳар томонлама назар ташлаб кўриш лозим. Бу лойиҳа кенг қўламли инвестициявий ташаббус бўлиб, у нафақат Тошкент вилоятининг қиёфасини, балки умуман мамлакатимизнинг замонавий туризм салоҳияти ҳақидаги тасаввурни ҳам ўзгартиришга қодир. Озарбайжонлик тадбиркор Эмин Агаларов 2024 йил декабрда Президент Шавкат Мирзиёевга йилбўйи ишлайдиган курорт бўлиб оламимиз.

Хукуматимиз бу лойиҳани қўллаб-қувватлаб, ер майдонини 25 йилга пасайтирилган нарҳда ижарага бериш ҳақида қарор қабул қилди. Инвестор Буюк Британиянинг “Scott Brownfigg” архите-ктура компанияси иштирокида тайёргарликни бошлади. Қури-лиш доирасида да-рахтлар кўчирилиши, экологик экспертиза ва сув чиқариш тизи-мини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Мазкур иншоот ҳақидаги хабар жами-ятда баҳс-мунозараларга сабаб бўлди ва бу яхши. Негаки, мамлакатимизда жамият маълумот олиш, сўраш, назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу етуқликни кўрсатади. Аммо танқид тараққиётни тўхтатиб қўйиши керак эмас. Бугунги кунда бизга миллиардлаб маблағ киритадиган сармоядорлар керак. Чунки ҳар бир ана шундай лойиҳа тўғрисида нафақат меҳмонхоналар қурилади, балки янги иш ўринлари пайдо бўлади, солиқ тушумлари ўсади, логистикадан тортиб қишлоқ хўжалигигача барча алоқадор соҳалар учун стимул яратилади.

“Sea Breeze Uzbekistan” лойиҳасининг муҳокамаси шуни кўрсатдики, биз ҳар бир лойиҳа-ни обдан ўйлаб, шундан кейинги-на фикр билдиришни ўрганиши-миз керак. Ҳар томонлама таҳлил қилиб, фойда ва зарарини торо-злаб солиб кўришимиз жоиз. Шунда инвестор жамиятнинг эътиборини ҳис қилади, қонунар, меъёрларни бузишга журъат эт-майди. Чунки қону-қоидаларга риоя қилмаса, шунга яраша жа-вобини олишини билади. Ўз на-батиди, биз ҳам қийинчиликлар-дан кўриб, имкониятларни қўлдан бой бериб қўймағилишимиз керак.

Бугун Ўзбекистон иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий жиҳатдан ўсиши керак. Фақат шуни таъминласакки, биз ҳам Европа сингари “Углерод изи”, “яшил” иқтисодиётда масалаларни муҳокама қила оламиз. Бугун ривожланаётган давлатлар, деб эъти-роф этилаётган мамлакатлар ай-нан шундай йўлни босиб ўтишган.

Сайёра ФАЙЗИЕВА, халқ депутати Тошкент вилояти Кенгаши раиси.

Унда транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликни мустақамлаш ва савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш, иқтисодиётни трансформация қилиш, иқлим ўзгариши ва экологик таҳдидларга бардошлиқлини ошириш, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида конференцияда муҳокама қилинаётган масалалар ҳаётий муҳим аҳамиятга эга эканини, чунки денгиз портларидан жүрғофий узоқлик ва бир неча мамлакат худудларини кесиб ўтиш зарурати бир қатор объектив муаммоларни келтириб чиқараётганини таъкидлади.

Денгизга чиқиш имкони бўлмаган мамлакатларнинг умумий таҳдид ва муаммоларини бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Президенти қатор аниқ тақлиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Конференция якунида Аваза сиёсий декларацияси қабул қилинди.

Мазкур конференциянинг яна бир қимматли жиҳати шундаки, унда Президентимиз Марказий Осиё мамлакатлари етакчиларидан ташқари қатор бошқа халқаро ташкилот раҳбарлари ва мамлакатларнинг расмий делегация аъзолари билан ўзаро шериклик муносабатларининг кейинги босқичларини муҳокама қилди. Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш билан учрашуви ўтказилди.

Унда қатор муҳим масалалар, хусусан, глобал ва минтақавий тараққиётнинг долзарб вазифалари, БМТ Бош Ассамблеясининг бўлажақ 80-йўбилей сессиясини ўтказиш, Марказий Осиёда интеграцияни чуқурлаштириш, Афғонистонни минтақавий ҳамкорлик жараёнида жалб этиш масалалари хусусида сўз юритилди.

Грузия Бош вазири Ираклий Кобахидзе билан учрашувда савдо-иқтисодиёт, транспорт-логистика ва маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилиб, ўзаро товар етказиб беришни кўпайтириш, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, электротехника, фармацевтика, озиқ-овқат тармоқларида, шунингдек, логистика соҳасида кооперация лойиҳаларини илгари суриш бўйича мувофиқлаштирилган чоралар кўриш муҳимлиги хусусида фикрлашилди.

Конференция доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Туркман халқининг миллий етакчиси, Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов ва Озарбайжон Бош вазири Али Асадов ўртасида уч томонлама учрашув бўлиб ўтди. Унда ўзаро манфаатли минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш ва қўшма лойиҳаларни илгари суриш масалалари кўриб

чиқилди, энергетика, транспорт ва логистика, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида кооперация учун имкониятлар мавжудлиги қайд этилди. Қолаверса, амалий ҳамкорликнинг истиқболли лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун мазкур форматдаги мулоқотларни давом эттиришга келишиб олинди.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Туркменистон Президентлари учрашувидида стратегик шерикликни кенгайтиришга келишиб олинди. Давлатимиз раҳбари Туркменистон Республикаси Президенти Сердар Бердимухамедовни Халқаро тинчлик ва ишонч йилида БМТнинг глобал конференцияси юқори савияда ўтказилгани билан самимий қутлади. Учрашувда бўлажақ олий даражадаги тадбирларга тайёргарлик доирасида Ўзбекистон — Туркменистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари бўйича фикр алмашилди.

Давлат раҳбарлари конференция доирасида Марказий Осиё мамлакатлари ва Озарбайжон миллий қуналарига бағишланган тадбирларда ҳам қатнашди.



Ҳунармандчиликка бағишланган, маданият, санъат ва туризм соҳаларидаги замонавий ютуқлар акс этган миллий павильонлар, миллий таомлар кўргазмаси ва пазандачилик бўйича уюштирилган маҳорат дарслари, айниқса, аънавий ўзбек ҳовлиси кўринишида қурилган Ўзбекистон павильони барчада ёрқин таассурот қолдирди.

Мазкур тадбир ўз ўрнида Марказий Осиёни тинчлик, барқарорлик ва фаровонлик макони сифатида намоён этишга хизмат қилиб, минтақа халқларининг бой маданий мероси, қолаверса, ўзаро яхши қўшничилик алоқаларининг намунасини аққол ифодалади.

Шубҳасиз, давлатимиз раҳбарининг мазкур амалий ташрифи Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги минтақавий шерикликнинг янги кун тартибини шакллантириш, Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро мувофиқлаштирилган ва келишилган ёндашувлари минтақада тараққиёт ва фаровонлик мақсадларига эришишга хизмат қилиши учун асос бўлади. Зеро, халқимизнинг “Қўшнинг тинч — сен тинч” нақли ўзаро ҳурмат ва стратегик тараққиёт ривожини учун хизмат қиладиган шу каби учрашувларда ҳам ўз аксини топмоқда.

Баҳодир МАЪМУРОВ, Бухоро давлат педагогика институти ректори, педагогика фанлари доктори, профессор.

МАНАСЛИКЛАР ҲАЁТИНИ ЎЗГАРТИРГАН ҚИРҚ БЕШ КҮН



Бу ҳам майли, маҳалладаги баъзи бировлар уйини таний олмай, анча пайт кўчада анграйиб юрганини айтмайсизми! Ахир, яқиндагина чиқиб кетаётганда, нураб, мунгайиб қолган кўча деворларию шиферлари синавериби, минг ямоқ бўлган уйининг томига қараб юраги эзилиб кетмаганимиди? Ҳа, деворлари қуламай, ёзгача чидаб берса, бир амаллаб таъмирлаши кераклигини ўйлаб кетганди. Бугун эса уйим, деб тахмин қилган иморатнинг олдида ичкарига киришга журъат қилолмай турибди. Тушми бу ё ўнг? Ҳаёлотми ёхуд ҳақиқат?

Юқоридаги саволларга жавоб топиш учун кўпма кўпайлаш шарт эмас, яқин ўтмишга қайтиш кифоя.

Бундан етти йил муқаддам давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган эзгу иш халқимизга чинакам умид бағишлади, оиласи ва кўнглига хотиржамлик нурини, бахт ҳидини олиб кирди.

Уша йил вазирлик ва идора раҳбарлари ҳамда мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи Дўстлик туманидаги барча қишлоқ ва маҳаллаларнинг ижтимоий ҳолатини ўрганди. Шундан сўнг “Обод қишлоқ” дастурини амалга ошириш мақсадида биринчилардан бўлиб вилоят марказидан 70 км. узоқликда жойлашган Манас қишлоғи танланди.

Энди энг қувонарли жиҳатга тўхталасак. Ўшанда дастур асосида қишлоқда 34 та кўп қаватли уйнинг томи тўлиқ янгидан ёпибди. Режасиз қурилган кўримсиз бино ва объектлар олиб ташланиб, янгидан ёрдамчи иншоотлар қурилди. Атрофга мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 65 км. узунликда сув қувури ётқизилди. 41 километрлик коллектор-дренаж тармоқлари тозаланди. Эски қишлоқ врачлик пункти ўрнида замонавий оилавий поликлиника бунёд этилди. Иккита умумтаълим мактаби ва мактаб-гача таълим муассасаси капитал таъмирланиб, қайта жиҳозланди.

Қисқача айтганда, Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан “Обод маҳалла” дастури доирасида ўша йили Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги қирғиз миллатига мансуб 6 мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган Манас қишлоғи инфратузилмаси тубдан янгиланиб, атиги 45 кунда гўзал шаҳарчага айлантирилди.

Қирқ беш кун инсоният тамаддуни олдида лаҳзадек гапдир, аммо мана шу лаҳзада манасликлар наздида асрларга татигулик ҳодиса рўй берди. Қувонарлиси, қишлоқ ахли ҳам четда жим қараб турмади, қариб қайтадан қурилган таълим ва тиббиёт муассасалари топирилишига тайёр бўлгунча улар ҳам қўлидан келганча меҳнат қилди. Жўмақлардан оқаётган тоза ичимлик сувига қувонч билан қафларини тутаётган ҳамқишлоқлар севинчи эру қўкка сиймади. Асфальт ётқизилган йўллар атрофига экилган мевали ва манзарали кўчатларнинг барқ уриб яшнашида кўнглиларида орзулар гуллаётган ёшларнинг келажига кўрингандек бўлди. Негаки, ўртада маълум муддат дарз кетган ўзбек — қир-

ғиз муносабатларида сўнг манасликларнинг ҳам руҳлари тушиб, ахвол ўнгланишига умид қилмай қўйишган, қишлоқнинг навқирон авлод вакиллари иш излаб, бирин-кетин ўзга юртларга кета бошлаганди.

— Бутун умрим шу қишлоқда ўтди, — дейди “Манас” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, “Шўхрат” медали соҳиби Жалил Кенжаев. — Мактабда етакчиликдан иш бошлаган бўлсам, кейинчалик ҳўжалик бош ҳисобчиси, ҳўжалик раҳбари лавозимларида фаолият юритдим. Қишлоқдаги ҳар бир оиланинг қувонч-ташвишларига шерик бўлиб келмок-даман. Ҳар қайси фуқаронинг қандай яшашини нима билан бандлиги менга беш қўлдай аён. Орада қанча қийинчиликларни бошдан ўтказдик. Қийинчиликларга бардош беролмаганлар хорихдан бахтини излашга тушди, Манасдан ҳам 300 ҳўжалик кўчиб кетди. Уларнинг асқарияти ёш оилалар эди. Биз, шу юрт тупроғида илдириб, томир ёйганлар эса кетмадик, тўғрироғи, биз учун муқаддас бўлиб қолган заминнинг ташлаб кетолмадик. “Сабрнинг тағи — сарик олтин” деганлари рост экан. Мана, ёруғ кунлар келиб, ҳаётимиз ижобий ўзанга тушди.

2018 йил 30 март куни давлатимиз раҳбари Манас маҳалласидаги “Обод қишлоқ” дастури доирасида амалга оширилган ишлар билан танишгач, маданият саройида ўтказилган йиғилишда айтган “Мен “Обод қишлоқ” дастурини бекорга Манасда бошламадим, чунки бу ерда танти ва меҳнаткаш халқ яшайди”, деган сўзлари бутун манасликлар кўнглини кўкларга кўтариб юборди. Ободлик кўнглидан бошланади, деганлари шу бўлса керак-да!

Дарҳақиқат, қирғиз эпоси қаҳрамони номи билан аталувчи Манас қишлоғи оз фурсатларда чинакам дўстлик кўрғонига айланган. Зотан, ўзбек ва қирғиз миллатлари илдижи бир, тили бир, дили бир қардош халқлар эканига шак-шубҳа йўқ. Минг йилликлар давомида бирга, ёнма-ён яшаб келган ўзбек ва қирғиз халқлари дўстлиги биродарлиги таҳсинга лойиқ. Баъзан бир кўчанинг икки томонида, бир сойнинг икки соҳилида истиқомат қилиб, тўю маъракаларини бирга ўтказган, яхши-ёмон кунлариди бирга бўлган ўзбек ва қирғиз халқи доим бир-бирига уйининг тўрини берган ва бераётди.

Рост, бу икки миллат ташқи душманларга қарши елкама-елка туриб курашган, муқаддас Турон ўлкасининг озодлиги, мустақиллиги учун жонини фидо қилган. Масалан, қирғиз халқининг жаҳонга машҳур достони “Манас”-да бош қаҳрамон Манас ботир Турон ўлкасига кўз тиккан душманлар — қорахитойлар ва жунгорларга қарши мардонавор курашган. Манас ботирнинг ишончли лашкарбошилари эса ўзбек қавми вакиллари, суюкли ёри



“Ўшанда дастур асосида қишлоқда 34 та кўп қаватли уйнинг томи тўлиқ янгидан ёпибди. Режасиз қурилган кўримсиз бино ва объектлар олиб ташланиб, янгидан ёрдамчи иншоотлар қурилди. Атрофга мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 65 км. узунликда сув қувури ётқизилди. 41 километрлик коллектор-дренаж тармоқлари тозаланди. Эски қишлоқ врачлик пункти ўрнида замонавий оилавий поликлиника бунёд этилди. Иккита умумтаълим мактаби ва мактаб-гача таълим муассасаси капитал таъмирланиб, қайта жиҳозланди.”

Кониқей Бухоро хони Темирхоннинг қизи бўлган. Душманлар Манасни ҳўйла йўли билан ҳалок этгач, Манаснинг ёлғиз ўғли Семетей Бухорода тарбия топган. Олимқул мингбоши, Қўрмонжон додхоҳ ва бошқа қаҳрамонлар ҳақида тарихдан жуда кўп мисолларни келтиришимиз мумкин.

Бугун ушбу қишлоқ янада кўркамлашганидан қардош қирғизлар ҳам жуда хурсанд. Дейлик, Болосогун номидаги Қирғизистон миллий университетининг доценти Мирсаид Анарбаев “Очиқ сўз” газетасининг 2018 йил 13 сентябрь сонининг ярим саҳифадан кўпроғини эгналган “Бекиёс ўзгарган Манас” сарлавҳали мақоласида ўзининг кўрганларини мароқ билан ҳўқия қилади. Қирғиз олими мақолаши шундай якунлаган: “Манас қишлоғи Ўзбекистоннинг 10 та вилояти оралаб ўтиб, мамлакатни Эрон, Афғонистон ва Туркманистон билан боғлайдиган улуг йўлга яқин жойлашган. Энг муҳими, қишлоққа Президентнинг назари тушди. Уни кўрган атайин узоқлардан ташриф буюрувчиларнинг қадамини узилмаётти. Истагимиз, Ўзбекистон Республикаси Президентини бошлаган ушбу хайрли ташаббус қанот ёзиб, бутун мамлакат обод ва фаровон бўлсин”.

Шунингдек, Қирғизистон Миллий ёзувчилар уюшмаси раиси Нурланбек Қалибековнинг Ўзбекистонга сафари чоғи бир тадбирда айтган сўзлари ҳам халқимизнинг эсимда...

— Одатда, турли халқларни бир-бирига кўрсатилган меҳр-оқибат ришталари том маънода оғанини, дўст-биродар қилади, — деганди у. — Қирғиз халқ қаҳрамонлигининг тисмоли номи билан аталувчи бу қишлоқнинг обод этилиши, аввало, қирғиз халқи-

га бўлган ҳўрмат, деб биламиз. Энг муҳими, миллатдошларимиз турмуш тарзи билан танишиб, уларнинг Ўзбекистонда миллатлараро тинчлик, дўстлик, тотувлик тамойиллари асосида яшаётганига ғувоҳ бўлдик. Атоқли адиб, улкан жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудини Ўзбекистонда ҳам кенг нишонланди. Бу икки халқнинг тили, дили бирлиги, томирлари туташлигининг далолатидир. Бу ишларнинг бошида турган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Худо сийласин!

Бундай эътирофлар ҳар қандай ўз юртини севувчи, ватанпарвар инсонни бефарқ қолдирмайди, албатта.

Қирғизларда қишлоқнинг аччиғио чўчуғида, яхшио ёмонда бош бўлиб турадиган, ўтидан кириб, сувида чикадиган улуғлари



Суратлар “Халқ сўзи” фотожамламасидан олинди.

“ўтоға” деб номланади, иззат-ҳўрмат қилинади. Жалил Кенжаевга ҳам маҳалла раисидан ҳам кўра, ўтоға сифати жуда мос келади.

Бугун яна йўлимиз Манасга тушиб, маҳалла идорасига кириб борар эканмиз, у ердаги ободлик, озодалиқдан кўнглимиз равшан тортиди ва ўтоғамизни саволга тортидик: “Ҳўш, кечаги кун қувончлари нафақат бугунни, балки эртани ҳам ёритиши учун қандай амаллар қилинган? Натижалар қандай? Манасликларнинг кайфияти яхшими?”

— Аъло даражада, — дейди у. — Манасликлар ўзларига кўрсатилган ғамхўрликдан сўнг ҳаётга янғича руҳ билан қараб, имкониётлардан унумли фойдаланмоқда. Кўп қаватли уйларда яшовчи ҳамда аҳолининг кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилалар таркибига кирувчи қатламларига моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида 30 та шундай оилага 7 фойизлик имтиёзли кредитлар ажратилиб, она-бола сигирлар олиб берилганди. Кимдир шартнома билан чорвачилик фермаларидан пул ўтказиш йўли билан, кимдир бозорда ўзи танлаган молга банк тўлови билан чорва моллари харид қилди. Энг асосийси, қишлоқдаги 34 та кўп қаватли уйда яшовчи оилаларга ўз қорамолларини сақлаш учун қишлоқ четидан 150 бош қорамолни боқишга мўлжалланган замонавий молхонанинг қуриб берилиши фуқароларни куз-қиш мавсумида жой қидириш ташвишидан халос этди.

Ҳозирги кунда ўша оилалар моллари туғини анча кўпайтириб олишган. Ана шундай оила вакилларида бирини суҳбатга тортидик.

— Қишлоғимизда “Обод қишлоқ” дастури бошланганида турмуш ўртоғим ва уч нафар фарзандим билан 2 қаватли уйда яшар эдик, — дейди Саодат Тапканова. — Мен мактабда фаррош, турмуш ўртоғим эса фермер

Қайд этиш жоиз, Манас юртимизда энг қисқа фурсатда қайта қурилган қишлоқ ҳисобланади. Қирқ беш кун давомида амалга оширилган ишларнинг барчасини санаб чиқишнинг ўзи мушкул. Бу ишнинг бутун қўлами ва маҳабатини англаш учун бу ерга келиб кўриш, одамларнинг тўлиб-тошиб айтган сўзларини эшитиш, қалб ила ҳис қилиш керак, албатта.

ҳўжалигида мавсумий ишчи бўлиб ишлардик. Уйимиз таъмирталаб эди. Фарзандларимизни сут-қатик билан таъминлаш учун сигир олайлик, десак, қурбимиз етмасди, чунки топган даромадимиз кунлик рўзғордан ортмасди. Дастур доирасида бизнинг уйимиз таъмирланди, 7 фойизлик имтиёзли кредит асосида бизга она-бола сигир олиб берилди. Бугунги кунда қорамолларимизнинг туғи кўпайиб қолди. Фарзандларимиз доимий сут-қатик билан таъминланяпти, улардан ортганини сотаямиз, бу ҳам оиламиз бюджетига қўшимча даромад келтирмоқда.

— Қорамолимизнинг туғи кўпайди, дейсиз-да, сонини айтмайсиз. Қорамолимиз неча бошга кўпайди? — деймиз қувлик билан опага.

— Айтсам, кўз тегади, деб қўрқаман. Келинг, шуни айтмай қўя қолай, — дейди опа қишлоқ аёлларига хос соддалик билан жилмайиб. Мен ҳам унинг очиқ чехрасига боқиб:



— Ҳай, майли, туғи кўпаяверсин, — дейман.

Яна бир севинчи хабар. Ўтган йили кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган 20 нафар ёшга 1 гектардан 20 гектар ер ажратиб берилган экан. Қайси маҳсулот экилса, деҳқон кўпроқ ҳосил олиб, даромади ошади, деган савол қўйилиб, брокколи экишга қарор қилинибди. Маҳалла ахли бу экинчи аввал етиштирмаган, парваришда хатога йўл қўйса, бутун меҳнат қиплакка чиқиши мумкин. Шу хавотирда шу ишнинг ҳадисини билган деҳқонлардан амалий сабоқ олиш керак, деган маслаҳат билан сурхондарёлик деҳқонларни Манасга олиб келишди. Улар Сурхондарёдан ўзлари билан қўчат олиб келиб, манаслик ёшларга брокколи экиш ва парвариллаш сирларини ўргатиб кетишди.

Ёшлар биринчи йили иккинчи экинга брокколи экиб, яхши даромад олишди. Бу йил эса биринчи экинга қовун-тарвуз етиштирибди, улар йиғиб олинган, иккинчисига яна шу экинни экишни мўлжаллаб туришди экан.

Хайрли ташаббуслар ортидан хайрли ишлар эргашиб юришга кўпчилик ишонади. Гап шундаки, 1 гектардан ер олган ҳар бир ёшга ўзига ажратилган ернинг бир чеккасидан 4 сотихдан иссиқхона ҳам қуриб берилибди. Мазкур иссиқхоналарда помидор, бодринг сингари резавор экинлар етиштирган ёш деҳқонларнинг бугун қўли-қўлига тегмаепти. Рустам Норбоев ўша ёшларда биринчи йили иккинчи экинга брокколи экиб, яхши даромад олишди. Бу йил эса биринчи экинга қовун-тарвуз етиштирибди, улар йиғиб олинган, иккинчисига яна шу экинни экишни мўлжаллаб туришди экан.

Ҳозирги кунда ўша оилалар моллари туғини анча кўпайтириб олишган. Ана шундай оила вакилларида бирини суҳбатга тортидик.

— Қишлоғимизда “Обод қишлоқ” дастури бошланганида турмуш ўртоғим ва уч нафар фарзандим билан 2 қаватли уйда яшар эдик, — дейди Саодат Тапканова. — Мен мактабда фаррош, турмуш ўртоғим эса фермер

Мехрибон АБДУРАҲМОНОВА («Халқ сўзи»).

Янги Ўзбекистон бунёдкорлари



ЁШЛАРНИНГ ҲАР БИР МУВАФФАҚИЯТИ — ХАЛҚИМИЗНИНГ ЮТУҒИ

Кейинги йилларда ёшларга сифатли таълим-тарбия бериш, хорижий тилларни ўргатиш, касб эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин топишга қўмаклашиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бу борада олиб борилаётган ислохотларнинг самаралари ўғил-қизларимизнинг эришаётган натижаларида ҳам ўз ифодасини топпоқда. Хусусан, ўтган йили 150 мингдан зиёд йигит-қизлар халқаро тил сертификатларини олди. Бу — 2023 йилдаги нисбатан 2 баравар кўп. 2024 йилда юртимиз ёшлари “ТОП — 500” талик олийгоҳларига кириш бўйича Марказий Осиёда биринчи ўринни эгаллади.

Навқирон авлодга кенг имкониятлар яратишга қаратилган ислохотлар изчил давом эттириляпти. Ана шундай шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, ўз салоҳиятини рўёбга чиқараётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Нафақат юртимиз, балки халқаро микёсда ҳам ўз билими, ташаббускорлиги билан танилиб, минглаб тенгдошларига ибрат бўлаётган Муниса Муродова ҳам янги Ўзбекистоннинг ана шундай истеъдодли ёшларидан биридир.

У шу йил 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан Президентимизнинг навқирон авлод вакиллари билан мулоқотида қатнашиб, ўз тақлифларини билдирди. Эътиборлиси, унинг гоёлари Юртбошимиз томонидан қўллаб-қувватланди.

— Мамлакатимизнинг энг иқтидорли ва истеъдодли дея эътироф этилган ёшлари сафида Президентимиз билан учрашиш бахтига мўясар бўлганим менга нафақат чексиз фахр

ва ифтихор, балки катта масъулият ҳам юклайди, — дейди айна пайтда Сингапур менежменти ривожлантириш институтининг “Бизнес ва молия бошқаруви” йўналишида таҳсил олаётган Муниса Муродова. — Шу куни Президентимиз ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар бир мактаб ўқувчисининг стартап гоёясини ривожлантириш учун 100 миллиард сўм маблағ ажратилишини эълон қилди. Менинг “Келажак йўли” лойиҳам ҳам айна шу ташаббус билан уйғунлашиб, Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги 33 та мактабда 8 — 10-синф ўқувчилари учун синов тариксида жорий этилиши кўзда тутилган. Келгусида эса лойиҳа Тошкент шаҳри бўйлаб барча туманларга босқичма-босқич татбиқ қилиниши режалаштириляпти. Ушбу лойиҳа ўқувчиларга бизнес стратегияси, SMM, IT, сунъий интеллект ҳамда журналистика йўналишларида бепул таълим олиш имконини яратади.

Барча эзгу амал ниятга боғлиқ

Муниса Муродованинг етакчилик фаолияти 2022 йилда мактаб сардори этиб сайланиши билан боғлиқ, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Ўша пайтдан у мактабда ижтимоий, маънавий ва инновацион лойиҳаларни фаол ташкил этишга киришди. “Йилнинг энг яхши ўқувчиси” сифатида тан олинди, IT-паркда бепул таълим олиш имкониятига эга бўлди.

2023 йилда Муниса Ўзбекистон тарихида илк бор “DreamSat” лойиҳаси доирасида “nanoCubeSat” сунъий йўлдошнинг стратосфера қатламига муваффақиятли учуришда қатнашди. Бу илмий лойиҳа орқали у ёш тадқиқотчи ва жамоа координатори сифатида танилди.

2024 йилда эса “NASA Space Apps Challenge” халқаро ҳақотинида “AstroTech Innovators” жамоаси билан “Climate and Gender” мавзусида юқори натижа кўрсатиб, “ТОП — 10” жамоа қатаридан жой олди.

Шунингдек, Муниса Туркияда ўтказилган “TEKNOFEST — 2024” халқаро аэрокосмик фестивалида жамоаси билан дрон ва ракета йўналишларида “ТОП — 5” та-лашқа киришга эришди. Бу орқали ёш ҳаюртимиз ўзбек йигит-қизлари илм-фан ва технологиялар соҳасида халқаро майдонда ҳам рақобатлаша олишини исботлади.

Бу муваффақиятлари учун у “Бехўудий” ва “Юксак эҳтиром” кўрак нишонларига лойиқ қўрилган. Айна пайтда Муниса Муродова халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ҳузуридаги Ёшлар маслаҳат гуруҳи аъзоси ҳамдир.

Таълимсиз тараққиёт, илм-фансиз юксалиш йўқ

Пойтахтимиздаги нуфузли олий таълим муассасаси — Сингапур менежменти ривожлантириш институти (MDIST)да таҳсил олаётган Муниса Муродова ўз билимларини халқаро лойиҳаларда қатнашиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш ва инновацион ташаббуслар билан уйғунлаштириб бормоқда. Жорий йилда у инглиз тилида илмий тадқиқот тайёрлаб, университет доирасида тақдимот қилди. Ушбу иш ўсмирларнинг рақамли муҳитдаги ижтимоий муносабатлари ҳамда коммуникация қўникмаларига таъсирини ўрганишга қаратилган.

Шунингдек, у ўзининг эстетик-интеллектуал қобилиятини намоян этиб, “MISS MDIST — 2025” танловида биринчи ўринни қўлга киритди. Бу танлов “MDIST” томонидан ҳар йили энг иқтидорли, фаол ва илҳомлантирувчи талабаларни аниқлаш мақсадида ўтказилади. Танловда нафақат ташқи кўриниш, балки нуқт маданияти, саҳнада ўзини туттиш, ижтимоий фаоллик, етакчилик салоҳияти ва гоёвий куч баҳоланади.

Мунисанинг интеллекти, ижтимоий лойиҳалардаги фаоллиги, чукур мулоҳазалари ва ўзига хос ташаббуслари ҳакамлар ҳайъатининг эътирофига сазовор бўлди. Бу ютуқ унинг кўп қиррали — етакчи, инноватор, тадқиқотчи ва эстетик фикрловчи ёшларимиздан бири сифатида шаклланишини исботлади.

Муниса Муродова каби замонавий ўзбек ёшларнинг ташаббускорлиги, билимга чанқоқлиги билан эришаётган муваффақиятлари бутун халқимизнинг ютуғидир. Уларнинг фаолияти ўз тенгқурлари учун нафақат илҳом, балки амалий йўл-йўриқ, рағбат ва ишонч манба бўлиб ҳам хизмат қилади. Бу эса орзуларини режага, лойиҳаларини эса ҳақиқатга айлантира оладиган етакчи ўғил-қизларнинг сафи кўпайишига туртки беради. Бундай ёшлар Президентимиз таъкидлаганларидек, янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида янги тарих яратадиган олтин авлоддир.

Фозилдин АБИЛОВ («Халқ сўзи»).

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги чегара ўтказиш пунктларида «яшил» йўлақлар ташкил этилади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 10 692 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; қопчибаст 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳриратта келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.

Газета таҳриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бекмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфия жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.14 Топширилди — 23.35 1 2 3 4 5 6